

А Ж Р И М

(муддатни тиклашни рад этиш тўғрисида ажрим)

2023 йил ноябрь ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси А.Умурзаковнинг раислигида, судья ёрдамчиси Х.Назаровнинг котиблигида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан судланган Джуманов Мирзохид Алимкуловичга нисбатан чиқарилган ҳукм устидан Дўстлик туман прокурори С.Раззоқовнинг апелляция протест бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман судининг 2023 йил 07 мартдаги ҳукмига кўра, Джуманов Мирзохид Алимкулович ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбли деб топилиб, унга шу моддалар билан Жиноят кодексининг 59,60,61,62-моддаларига асосан узил-кесил 4 (тўрт) йил 28 (йигирма саккиз) кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁵-моддаси 1-қисмида “Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин. Зарур ҳолларда, бу масала илтимоснома берган шахснинг иштирокида ҳал қилинади.” - деб, шунингдек ушбу модданинг 2-қисмида “Суднинг ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан апелляция инстанцияси судига хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин бўлиб, у мазкур ажримни бекор қилишга, ўтказиб юборилган муддатни тиклашга ва апелляция шикояти (протести) бўйича ишни кўришга ёхуд ишни ҳукм чиқарган судга ушбу Кодекс 497⁶-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларни бажариш учун юборишга ҳақли.” – деб кўрсатилган.

Прокурор С.Раззоқов судга илтимоснома тақдим этиб, апелляция протест бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасида, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш учун бирорта узрли сабаблар ва асослантурувчи ҳолатлар кўрсатилмаган.

Суд ҳукми 2023 йил 28 март куни қонуний кучга кирган бўлиб, илтимосномада шу кунга қадар протест бериш муддатини ўтказиб юборилганлигини билдирсада, ўтказиб юборилган муддатни узрли деб топиш учун қонуний асослар келтирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддаси 1-қисмида “Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин” - деб, шу модданинг



3-қисмида “Белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади, бу ҳақда уларни берган шахсларга хабар қилинади”-деб белгиланган.

Қонун мазмунига кўра, судланувчи томонидан ҳукм устидан ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичида шикоят бериши мумкин.

Юқоридагиларга кўра суд, дўстлик туман прокурорининг апелляция протест бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномаси асоссиз бўлганлиги учун ушбу илтимосномани рад этишни лозим топди.

Юқоридаги асосларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 497⁴, 497⁵-моддаларини қўллаб, ажрим қилади

А Ж Р И М

Дўстлик туман прокурорининг судланган Джуманов Мирзохид Алимкуловичга оид жиноят иши бўйича апелляция протест бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномаси рад этилсин.

Ажрим дан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий тартибда шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Умурзаков

Нусхаси аслига тўғри судья:



Суд мажлиси баённомаси

2023 йил ноябрь ойининг 22 кунини жинойят ишлари бўйича Дўстлик туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси А.Умурзаковнинг раислигида, судья ёрдамчиси Х.Назаровнинг котиблигида Ўзбекистон Республикаси Жинойят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан судланган Джуманов Мирзохид Алимкуловичга нисбатан чиқарилган ҳукм устидан Дўстлик туман прокурори С.Раззоқовнинг апелляция протест бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасинини кўришни бошлади.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, жинойят ишлари бўйича Дўстлик туман судининг 2023 йил 07 март кунини ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси Жинойят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан судланган Джуманов Мирзохид Алимкуловичга оид жинойят иши юзасидан Дўстлик туман прокурори С.Раззоқов томонидан шикоят бериш муддатини тиклашни сўраб киритган илтимосномаси кўрилишини маълум қилди.

Раислик қилувчи Дўстлик туман прокурорининг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан судланган Джуманов Мирзохид Алимкуловичга оид жинойят иши юзасидан ҳукми устидан протест бериш муддатини тиклаш ҳақида илтимосномасини ўрганиб чиқиб, ўтказиб юборилган шикоят бериш муддатини тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажримни ўқиб эшиттирди.

Суд мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди.

Раислик қилувчи:

Судья ёрдамчиси:





ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДЎСТЛИК ТУМАН СУДИ

**Зухуров Қучқар Рустамович ва
Зухурова Мухаббат
Абдуллаевналарнинг апелляция
шикояти бериш муддатини тиклаш
ҳақидаги илтимоснома юзасидан
тўпланган ҳужжатлар**

